*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
21 август
ЧОРШАНБА
№ 65 (13222)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди.

Шу билан бирга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат аграр университети (кейинги ўринларда – Университет) ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида **инновацион ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, "ақлли қишлоқ хўжалиги"** (Smart agriculture) **ва рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, **юқори унумли ва ресурс тежамкор илғор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазифаларни акс эттириш**;

**хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида** профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг **малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш**;

илмий-тадқиқот институтлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш**;

Университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (**extension center**) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича **"ахборот – маслаҳат маркази – кафедра – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси"** тизимини жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар ва талабаларнинг **инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш**;

Давоми 2-бетда

## ТОКНИНГ ТОМИРИГА ТУШГАН «ШИФОКОР»

*Кўпчилик узум етиштиришни жуда осон иш деб ўйлайди. Гўёки боғда чопиқ ва хомток қилса, кифоя, кейин узум пишишини кутиб ётаверасиз. Бироқ, биргина бу билан иш битмайди. Юқори ҳосил олиш, қолаверса, узумнинг ниҳоятда сифатли, харидоргир бўлиши учун тинимсиз меҳнат қилиш жоиз.*





Паркент тумани, Заркент қишлоғида яшовчи Зуфар Саъдуллаев ҳамма қатори одам. Бироқ, унинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари ҳам бор...

Сизу биз бир йил тиним билмай ишлаб топган пулимизни Зуфар, керак бўлса, бир мавсумдаёқ жамғаради. Энг қизиғи, у донгдор бизнесмен эмас, қишлоқнинг чапани, оддий йигити. Аммо, ҳалол меҳнати ортидан кўп нарсага эришган.

Жон койитганнинг қўли пул кўради. Бели бақувват ўзбек эса худди Зуфаржон сингари уй-жойини чиройли ва кўркам қилиб, қайтадан қуради, кўча юзини кўзни қувонтирадиган, баҳридилни очадиган гулзорга айлантиради.

Давоми 2-бетда

### Шу сонга

## ТУМАНГА... ГАЗЕТА КЕРАК ЭКАН

Ҳар сафар шундай бўлади: Истиқлол байрами яқинлашаётган кезларда матбуот саҳифалари ва теле-радио каналларда "Мустақиллик иншоотлари" деган махсус рукнлар пайдо бўлади. Қайсидир жойда янги йўл, қайдадир бозор, яна аллақаерда намунавий уй-жойлар массиви фойдаланишга топширилади... Хуллас, байрам арафаларида жойларда ҳокимларнинг нимадир очгиси келиб қолади.



**Юқоричирчиқ туманида кечагина фойдаланишга топширилган кўркам ва мўъжаз бинони эса чинакам байрамона туҳфа деса бўладики, "аввалгиларга ўхшамас..."**

**Гап шундаки, Янгибозорнинг қоқ марказида, шундоқ катта йўл бўйида қад ростлаган кўшқаватли бино туман матбуоти – "Юқоричирчиқ ҳаёти" газетаси таҳририятига атаб бунёд этилди. Бу ерда туман газетасининг ижодкор ва техник ходимлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган – саҳифалаш хонасидан тортиб... ошхонагача!**

Давоми 4-бетда

### Ҳудудий секторлар фаолиятидан

*Давлатимиз раҳбарининг халқпарвар ва бағрикенгликка асосланган сиёсати ҳақида гап кетганда, жорий йил 8 январдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини тилга олиш кифоя.*

## ОДАМЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ,

### дардига малҳам бўлишдан улуғ саодат йўқ

Сўзимизни Паркент туманидаги иккинчи сектор фаолияти мисолида давом эттирадиган бўлсак, одамларни рози қилишга қаратилган ислоҳотнинг аҳамиятини чуқурроқ англаймиз.

Туман прокурорига бириктирилган 9 та, жумладан, "Обжувоз", "Сурхи", "Гулбоғ", "Бойқозон", "Истиқбол", "Яшнобод", "Мозорхожи", "Қайилма", "Боғбон" маҳаллаларидаги жами 4 минг 108 та хонадонда 24 минг 82 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шунча одам билан мунтазам ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш осон эмас. Лекин вақт кутиб турмайди-да. Аҳолини сарсон қилмаслик учун сектор штаби "Қайилма" маҳалласидаги шинам бинога жойлаштирилди.

Давоми 3-бетда

**Ҳар сафар катта байрамлар арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми, эзгу анъаналаримизнинг амалдаги ифодасига айланган. У халқимизни ўзаро ҳамжиҳатликка чорловчи, хайрли ва улуғвор юмушларга даъват этувчи азалий қадриятларимиздан биридир.**

## ШОД КЎНГИЛЛАР, ОБОД МАНЗИЛЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги фармойишига биноан жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 17-18 август умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди.**

### Эзгулик



2

## УЙМА-УЙ ЮРИШНИНГ ХОСИЯТИ

*Яқинда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўзига бириктирилган ҳудудлардан бири – Бекобод тумани фуқароларининг муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказди. Унда 50 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этиб, жами 21 та муаммоли масала бўйича мурожаатлар келиб тушди. 15 нафар кишининг мурожаати жойида ҳал бўлди. Бундан ташқари, 6 фуқарога асосли равишда тушунтиришлар берилиб, тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Қабул давомида ички йўллар таъмири, ичимлик суви, газ таъминоти, соғлиқни сақлаш каби ўнлаб муаммоли масалалар атрофлича ўрганилди.*

### Сайёр қабул

Кези келганда шуни айтиш керакки, мазкур учрашувда тўртинчи сектор раҳбари уйма-уй юриб, халқ билан яқиндан мулоқот қилди. Уларни қийнаётган масалаларни диққат билан тинглаб, бартараф этилишида амалий ёрдам кўрсатди.

– Кўриб турганингиздек, кўчаларимиз таъмирталаб аҳволга келиб қолган, – дейди "Фарҳод" маҳалласи, Обод кўчасида истиқомат қилувчи Мирзааҳмад Мирзаев. – Ноқулай об-ҳаво шароитида фарзандларимиз бу йўллардан мактабга қатнашга жуда қийналади. Ушбу вазият юзасидан бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, лекин шу вақтгача ҳеч қандай натижа бўлмади. Бугунги қабулда маҳалламиз фахрийлари мазкур масалани кўтариб чиқишди. Сектор раҳбарининг ўзи келиб, кўчамизни кўрди ва мурожаатимизни ижобий ҳал қилишга ваъда берди. Тўғриси, биз бунга унчалик ишонмагандик. Аммо, орадан 2 соат ўтиб, юк машиналарида шағаллар келтирилиб, ишлар бошланиб кетди. Бугун маҳалладошлар узоқ йиллардан бери бизни қийнаб келаётган муаммога ечим топилаётганидан хурсанд.

Шу кунги қабул мобайнида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан ҳам хабар олинди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

– Беш йил олдин қайнонам оғир хасталик туфайли тўшакка михланиб қолди, – дейди "Файз" маҳалласида яшовчи Муҳтарам Эшмуродова. – Анчадан бери ногиронлик аравачасига муҳтожлигимиз бор эди. Бугун шу масалада кўмак сўрадим. Тўғриси, сектор раҳбарининг ўзи хонадонимизга келиб, аравача совға қилишини кутмагандик. Қувончимиз чексиз, оғиримиз анча енгиллашди. Бизга яқиндан ёрдам берган мутасаддилардан миннатдормиз.

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўтишда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда интерфаол услубларни, шу жумладан, **талабаларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш**;

қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган **академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш**.

2. Қуйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича **"Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маъмурий бўйсунишидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича изланишлар олиб бораётган, кадрлар тайёрловчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш.

Белгилансинки, Университет қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

тажриба-синов тариқасида Университетнинг 5411500 – **Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини бакалавриат таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини** босқичма-босқич жорий этиш;

Университетнинг **2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этиш**.

Бошланиши 1-бетда

Бунда давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади;

қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг мавсумийлигини инобатга олиб, диссертацияларда икки йиллик илмий-амалий дала тажрибаси натижаларининг қамраб олинишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини **январь ойидан бошлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда таълимнинг кредит тизимида талабалар учун **ҳафтада беш кунлик ўқиш** ҳамда **ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни** деб белгилансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан унинг асосланган таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Университет ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-методик ишлардан ташқари вазирлик ҳамда идораларнинг бошқа ишларига жалб этилмайди, шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Тошкент давлат аграр университети ва Нукус, Андижон, Термиз филиаллари тузилмасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалини ташкил этиш** бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари негизида олий таълим тизими билан интеграциялашган олий мактаблар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2020 йил 1 августга қадар олий мактабларни тамомлаган битирувчилар учун бакалавриатнинг 3 йиллик махсус таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Университет ва унинг филиаллари талабаларининг малакавий амалиётлари етакчи корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги кластерларида сифатли ўтказилишини таъминласин ва мониторингини олиб борсин;

**икки ой муддатда** агросаноат мажмуи таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларни раҳбар кадрлар билан таъминлаш мақсадида Университетда **"Агробизнес ва бошқарув"** йўналишида захира кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

**бир ой муддатда** Университет ва унинг филиалларида кириш учун белгиланган қабул чегарасидан кам балл тўплаган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контракт миқдорини **икки бараварга** камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига таклиф киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **олий мактабда**:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасида кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида кадрлар тайёрланади ва олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциялашган **кичик бакалаврлар** (Associate degree) тайёрлаш бўйича таълим дастурлари амалиётга жорий этилади;

кичик бакалавр (Associate degree) таълим дастурларини тамомлаган битирувчилар **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш синовларисиз суҳбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқиш тугаганидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда Университет ва унинг филиалларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади;

фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, вазирлик, идоралар, йирик иш берувчилар ҳамда буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари ва ўқувчиларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобланади;

якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга давлат намунасидаги диплом ва тегишли касблар бўйича белгиланган тартибда разрядлар берилади;

ўқувчиларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, ташаббускорлар маблағлари ҳисобига Университет ва унинг филиалларида **"Кичик инновацион корхона"ларни тажриба-синов тариқасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**.

9. Университет:

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида синовдан ўтган тажрибаларни ўрганган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб университетда **раҳбар кадрлар ҳамда профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигининг баҳолаш тизими**ни жорий этсин;

**уч ой муддатда** Университетни **2025 йилга қадар** дунёнинг нуфузли **1000 та** олий таълим муассасалари рўйхати (QS рейтинг тизими)га киритиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этсин;

**бир ой муддатда** Университет ва унинг филиаллари уставлари тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** университетнинг 5411500 – Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда тажриба-синов тариқасида Агробиология факультети**ни Тошкент давлат аграр университети таркибида мустақил фаолият юритадиган юридик шахс сифатида ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Университет ва унинг филиаллари ҳузурида ташкил этиладиган "Кичик инновацион корхона"лар ўртасида тузиладиган шартноманинг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

10. **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Д. Вахабов зиммасига** – қарордаги вазифаларнинг ижроси ва мониторинги олиб борилишини таъминлаш, маъмурий бўйсунишидан қатъи назар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Университет ректори Б. А. Сулаймонов зиммасига** – қарор ижросини бевосита таъминлаш, университетга замонавий таълимнинг кредит тизимини татбиқ этиш, илмий изланишлар натижаларини тижоратлаштириш, фан-таълим ва ишлаб чиқаришни узвий интеграциялаш, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тажриба-синов тариқасида "Кичик инновацион корхона"ларни ташкил этиш;

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Мажидов зиммасига** – таълимнинг кредит тизимидаги ва Университетнинг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари негизида олий мактаб ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш бўйича жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 август

---

# ШОД КЎНГИЛЛАР, ОБОД МАНЗИЛЛАР



Хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтказишни ният қилган юртдошларимиз эрта тонгданоқ ҳовли-кўчалар, маҳалла ҳудудлари, гузарлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, қабристонларни тозалаб, тартибга келтиришга киришиб кетдилар.

Барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, маҳаллаларда уюшқоқлик билан ташкил этилган ҳашарларда юртдошларимиз фаол қатнашдилар. Эътиборга молик жиҳати, уларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этди.

Вилоятимизнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида умумхалқ ҳашари кўтаринки руҳда, аҳолининг юксак уюшқоқлигида ўтди.

Ободонлаштириш ва тозалик ишларида 14 мингдан зиёд аҳоли қатнашди. Тезкор маълумотларга кўра, икки кун мобайнида ҳашарда 13 гектар майдон ободонлаштирилди, бу ишларга 30 га яқин техникалар жалб этилди. Ариқ ва лотоклар тозаланиб, 7 та қабристон ободонлаштирилди. 144 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари олиб чиқилди, 13 мингдан зиёд дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Умумхалқ ҳашарида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўнлаб оилаларнинг уй-жойлари ҳам таъмирланиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳашар кунлари вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Умумхалқ ҳашарида қибрайлик ёшлар ташаббуси

Бошланиши 1-бетда

билан тузилган кўнгиллилар отряди 140 та кам таъминланган оила, 14 нафар ёлғиз қария, 64 нафар имконияти чекланган фуқаролар хонадонига бориб, тозалик ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашишди. Ҳашар доирасида А. Навоий номидаги маҳалланинг "Нурли замин" кўчасига тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилди, "Иқбол" маҳалласи биноси таъмирланди. Тумандаги 56 та қабристон ҳудуди тартибга келтирилди.

Чиноз туманида ўтказилган ҳашарда хотин-қизларнинг фаол иштироки сезилди. Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Муҳамадиева бошчилигида 50 нафардан зиёд хотин-қизлардан иборат гуруҳ темир йўл ёқасидаги хонадонларда ҳашар уюштиришди.

Оҳангарон туманида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 20 минг 400 нафардан зиёд аҳоли иштирок этгани айтилмоқда. Ҳашар давомида 232 гектар майдон ободонлаштирилиб, ҳудуд 137 тонна маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланди. 59 та қабристон, 138 км. узунликдаги ариқ ва лотоклар тартибга келтирилди. Бу ишларга 22 та техника жалб этилди.

Ҳашар кунлари ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, саховат кўрсатиш каби халқимизга хос фазилатлар янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Икки кун давом этган умумхалқ ҳашарида вилоятимиз бўйича 475 та оиланинг 11 минг 495 $м^2$ уй-жойи таъмирланиб, 482 та эҳтиёжманд оилага беминнат ёрдам кўрсатилгани юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. 104 нафар ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Хайрия тадбирларига 66 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ҳашар кунлари Паркент туманидаги "Гулбоғ" маҳалласи янги биноси фойдаланишга топширилди. Чирчиқ шаҳридаги "Маърифат", Зангиота туманидаги "Дўстлик" маҳаллаларида спорт ва болалар майдончалари, Чиноз туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда "Chinoz Golden TPADE – textil" ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент тумани "Соҳибкор" маҳалласида янги дорихона ишга туширилди. Янгийўл шаҳрида экобоғ, Оҳангарон шаҳридаги умумий овқатланиш шахобчаси ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Вилоят бўйича янги иншоотларнинг ишга туширилиши билан 3 минг 500 нафарга яқин аҳолининг бандлиги таъминлангани эътиборлидир.

Инсонларга меҳр-оқибат, одамийликдан сабоқ берувчи, бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳашар юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбида маҳалла-кўй, она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Вилоятимиз бўйлаб ойлик давом этмоқда.

**Аллома АЗИЗОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

---

# ТОКНИНГ ТОМИРИГА ТУШГАН «ШИФОКОР»

Аслини олганда, Паркент деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига ишкомларда барқ уриб, қуёш нурида ял-ял товланиб, кўзни қувнатадиган, дилни яйратадиган "Кишмиш"у "Ризамат", "Ҳасанги"ю "Ҳусанги" каби ғарқ пишиб етилган узумлар келади.

Дарҳақиқат, Паркент ўзининг гилосу узумлари билан бутун мамлакатга донг таратган. Айниқса, паркентликлар узум етиштиришнинг ҳадисини пухта эгаллаганлар. Ахир, ўша машҳур фильмда бежизга "Паркент асали, Паркент узуми..." деб саналмаган...

Зуфар Саъдуллаев ҳам эсини таниганидан бери отасининг ишини давом эттириб, эл дастурхонига тотли узумлар тортиқ қилиб келмоқда.

Дарвоқе, ёш фермернинг асл соҳаси – тиббиёт. Лекин, деҳқончиликка бўлган қизиқиши бу соҳадан устун келган. Мана, беш йилдирки, "Абдуллаев Руҳилла" фермер хўжалигининг раҳбари.

Мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 40 гектардан ортиқ. Айни пайтда 20 нафардан ортиқ ишчи доимий иш билан таъминланган.

– Деҳқончиликнинг сеҳри мени ўзига оҳанрабодек тортаверади, – дейди Зуфар Саъдуллаев. – Унга қизиқиш менда ўша – отамнинг ортидан эргашиб юрган жажжи пайтларимдаёқ уйғонган. Олтинчи синфларга ўтганимда ток парваришлашнинг кўп сирларини ўрганиб улгурганман. Кўриб турганингиздек, ҳозир шу узумзорнинг эгасимиз.

Қирқ гектарлик ернинг 23 гектарига узумнинг "Кишмиш" ҳамда "Тойифи" навлари экилган. Ўтган йилги даромаддан юз тонналик музлаткич қурилди. Бу фермерга ҳали роса қўл келади. Энди узумлар мўлжалдаги нархда сотилмаса, муаммо йўқ – бемалол шу музлаткичда сақланаверади ва қишин-ёзин бозорга чиқарилади. Авваллари хўжаликда бундай шароит йўқлиги боис, баъзан узум сотиш ҳам муаммога айланарди. Бирда нарх тўғри келмаса, бирда кўтара оладиган харидор топилмасди. Бу эса, ўз навбатида, узумларнинг исроф бўлишига олиб келарди. Эндиликда бу муаммолар барҳам топди. Ҳосил ҳам ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўп. Насиб қилса, фермер яна битта шундай музлаткич қуришни ният қилиб турибди...

Бошланиши 1-бетда

З. Саъдуллаевнинг айтишича, ўтган йили маҳсулотининг кўп қисмини тўғридан-тўғри, даллолсиз Россия давлатига экспорт қилган. Бу йил ҳам шуни режалаштираётган экан.

Ишкомлар оралаб юрарканмиз, аксарият бир бош узумнинг оғирлиги 2-3 килограммгача тош босса керагов, деб ўйладик. Фермернинг иштиёқига тасанно айтдик.

– Бунинг ўзига яраша сири бор, – дейди фермер кулиб. – Агар буни айтиб қўйсам, бошқалар ҳам билиб олади-да. Ёзин-қишин шу токзорнинг орасида юрамиз. Кимдандир қандайдир янгилик эшитиб ёки кўриб қолсак, албатта, қўллаб кўрамиз. Парваришни ўз вақтида қиламиз. Хуллас, йилнинг тўрт фаслида токзорнинг ичидамиз. Ҳосилни кўриб турибсиз – ишловга яраша.

Хуллас, миришкор деҳқон ярим ҳазил, ярим чин билан юқори ҳосилдорлик сирини айтгиси келмади. Соҳа сирларини қизғанди. Бундан англашиладики, меҳнати ва изланиши унинг асосий тирикчилиги.

– Умуман олганда, режалар кўп, – дея сўзида давом этади фермер. – Бу йилги даромаддан дала бошига замонавий музлаткич қуриш ниятидамиз. Агар шу ишга мутасадди раҳбарлар рухсат беришса, яна анча-мунча одамни доимий иш билан таъминлардик.

Ҳа, Зуфаржон сингари фаол дала соҳибларининг иштиёқ ва интилишини мутасаддилар қўллаб-қувватласа, нафақат боғбонга, балки унинг ортидан халққа, давлатга манфаат етади. Ҳаркалай, деҳқон бой бўлса, мамлакат янада равнақ топади.

Фермернинг даласидан ортга қайтарканмиз, иш бошқарувчиси Шокарим Шоумраев қўярда-қўймай, дала ўртасидаги шийпонга бошлади. Кенг табиат қўйнида, очиқ осмон остида далачой ичишнинг ҳам гашти бор-да.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

**Ишчи-хизматчиларни асосий иш вақтидан ташқари хизматга жалб этмаслик, қўшимча ишлаганлик учун ҳақ тўлаш, уларнинг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқлари бузилмаслигини назорат қилиш – бизнинг асосий бурчимиз.**

❑ Касаба уюшмалари ҳаётидан

Касаба уюшма аъзоларининг вақтида дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши, эҳтиёжманд оилалар, фахрийларни қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида уюшмамиз аъзоларининг 2000 та фарзандига пойтахтда бўлиб ўтган томошаларга чипталар ташкиллаштирдик. Бу эса кичкинтойлар вақтини завқли ва сермазмун ўтишига хизмат қилди. Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларининг 5 нафари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. "Мастер деликатесов" масъулияти чекланган жамияти аъзолари Шавкат Мавлонов ва Умрбек Абдуалибековларнинг 60 ёшга тўлганликлари муносабати билан қимматбаҳо совғалар тухфа этилди. Х. Турғуновга ногиронлик аравачаси олиб берилди. 35 нафар ишчи-хизматчининг Самарқандга сафари ҳам эсда қоларли бўлди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътиллари мароқли ўтишида касаба уюшмаларининг хизмати катта. "Зак қоғоз" корхонасининг 4, "Дамачи савдо шароб" МЧЖнинг 9, "Гидроллайф ботлерс" МЧЖнинг 18 нафар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг 20 нафар болаларига "Ниҳол", "Ҳумо" каби оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар берилди.

**Алишер ОРТИҚХЎЖАЕВ,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент ва Зангиота туманлараро Кенгаши раиси**

## ОҚҚЎРҒОНДА НИМА БЎЛГАН ЭДИ?

**Яқинда ижтимоий тармоқларда Оққўрғон туманида содир бўлган бир ҳолат бўйича видеолавҳа тарқалди. Афсуски, зумда тарқалган лавҳадан шов-шув ясовчилар осонгина топилди-қўйди. Масалан, биргина видеолавҳа "Оққўрғон деҳқон бозорида яна бузилиш, жанжал", "Оққўрғон деҳқон бозорида милиция ходимлари бозор йўлини ёпаётгани учун тадбиркор аёллар норозилик билдирди ва жанжал рўй берди", "Оққўрғонда ИИБ ходимлари бозорда норозилик билдирган аёлларни судраб "автозак"ка тикди" деган номлар билан жойлаштирилди.**

❑ Дарвоқе



Видеолавҳани тарқатувчилардан бири ўз изоҳида гўёки, деҳқон бозорида ички ишлар ходимлари бозор йўлини ёпаётгани учун тадбиркор аёллар норозилик билдириб, жанжал кўтарганига урғу берди. Бошқаси эса аёлларни орган ходимларининг зўравон ҳаракатига норозилиги сифатида талқин қилди. Хуллас, салкам беш дақиқалик лавҳа фақат қора бўёқларда ёритилди.

Орадан кўп вақт ўтмай, асл ҳолатга вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан ойдинлик киритилди. Унга кўра, мазкур воқеа 2019 йил 14 август куни бўлган. Кундузи 11:00 да "Оққўрғон деҳқон бозори" МЧЖ ҳудудига А. Навоий кўчаси томонидан кириш қисмида, туман ҳокимининг "Оққўрғон шаҳри, "Бирлик" МФЙ, А. Навоий кўчаси ҳудудидаги бўш турган ер майдонида фуқаро Қурбонов Даврон Эргашевич томонидан икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун рухсат бериш тўғрисида"ги қарори асосида қурилиш қилиш учун усталар иш бошлаган.

Шу вақтда бозорга кириш йўлида полиз экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган аёллар қурилаётган девор ўзларининг савдосига халақит беришини айтиб, қурилишни тўхтатишни талаб қилишган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу жой бозорнинг асосий кириш йўлаги эмас, орқа томони. Қолаверса, расман бозор дарвозаси ҳам эмас. Шунингдек, бу ердаги ёймачилар (савдо расталарида эмас, ерда, кўчаларда савдо қилувчилар) туфайли ҳудудда автомашиналар тирбандлиги вужудга келган. Пиёдалар ўтиш жойида йўл-транспорт ҳодисаси тез-тез бўлиб туради. Шу боис ҳам мазкур норасмий дарвоза (бозорнинг чиқиш йўлагида) қурилиши режалаштирилган.

Тушунтиришларга қарамай, 5 нафар савдогар аёл (уларнинг исм-фамилиясини этика юзасидан номма-ном келтиришни жоиз кўрмадик) бақир-чақир қилиб, атрофдаги оломон эътиборини қаратиб, қурувчи усталар ва бозор раҳбариятини ҳам ҳақорат қилиб, қурилаётган деворни бузиб ташлашган.

Шундан сўнг воқеа жойига тезкор-тергов гуруҳи – ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант И. Раимов, ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, майор Э. Арслонов, ИИБ ҲПБ ТП профилактика инспектори, катта лейтенант Ў. Турсунов, ИИБ ЭКГ эксперти, капитан А. Мирзалиев ва ЙҲХБ инспектори, сержант С. Жумаевлар етиб келиб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни ўрнатилган тартибда расмийлаштираётган вақтида аёллар ходимларнинг қонуний талабларига бўйсунишмаган. Шу сабабли, тўпланган ҳужжатлар туман ИИБ навбатчилик қисмидаги ШАКЛ-2 китобига 703-сон билан қайд қилиниб, ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ишлари бошланган.

Туман ҳокими, ҳокимнинг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси воқеа жойида бўлиб, аёллар билан суҳбатлашган. Улар айни пайтда кундалик ишлари билан машғул.

Вилоят ҳокимлигининг ушбу ахборотидан кейин "Оққўрғон деҳқон бозори" раҳбари Ғулом Тулепов билан боғландик.

– Ижтимоий тармоқларда тарқалган воқеа бозоримиз ҳудудида содир бўлмади, – дейди у биз билан суҳбатда. – Жанжал тасвири ниҳоятда нотўғри талқин қилинди. Аслида воқеа бозоримиздан 80-100 метр узоқликдаги катта йўлнинг четида рўй берган. Бунга сабаб ҳали қурилиши тугалланмаган дўкон эгаларининг ноўрин ҳаракати бўлди. Чунки, улар дўконларининг олди қисмини ўша жанжал кўтарган аёлларга фойдаланишга берган. Улар қурилиш олиб бормоқчи бўлган бошқа бир тадбиркорга савдоимизга ҳалал бераяпсан, деб жиддий қаршилик кўрсатишган. Бу ҳолат икки ўртада жанжал кўтарилишига олиб келган.

– Ўша жанжал кўтарган аёллар билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқдим, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Абдунозимова. – Уларнинг деҳқон бозорида расталари бўлсада, ҳали қурилиши тугалланмаган дўкон эгаларига ёйма савдо қилиш учун 10 миллион сўмгача пул тўлашган экан. Савдоимиз юришмай, тўлаган пулимизга куйиб қоламизми, деган хаёлда қурилиш олиб бораётган бошқа бир тадбиркорга эътироз билдиришгани оқибатида шу хунук воқеа содир бўлди. Энг ёмони, вазиятга ойдинлик киритгунимизгача, ижтимоий тармоқларда нохолис ахборотлар тарқалиб кетди.

Интернет оламида бутун дунё худди Алимкент қишлоғидек бир қадам – нима бўлса, зумда тарқалади. Бироқ, "жонкуяр" хабарчилар ҳар бир ҳолатга инсоф ва холислик билан муносабат билдирсалар ёмон бўлмасди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## *Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабари*

**Ижтимоий тармоқларда шу кунларда "Қуйичирчиқ туманидаги 45-умумтаълим мактаби ўқув йили бошланишига икки ҳафта қолганда бузилиб, талон-торож қилинмоқда" деган мазмундаги видеолавҳа тарқалди.**

Шахсини ошкор қилмаган мазкур мурожаат эгаси давлат раҳбарига виртуал тарзда юзланиб, Қуйичирчиқ туманидаги 45-умумтаълим мактабида бузилиш ишлари кетаётганини билдиради. Мактаб ҳудудида, ўқув жараёнига икки ҳафта қолганда, қурилиш ишларини бошлаб, амалда ҳеч иш бажарилмаётгани, талон-торожга йўл қўйилгани ҳақида сўзлайди.

Мазкур мурожаат вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси масъуллари томонидан ўрганилганда, танқид ва мурожаат асоссиз экани маълум бўлди.

Ушбу мактаб "Йилқичи" МФЙда жойлашган бўлиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар кесимида туман прокурори Абдумалик Қулматов ҳудуди ҳисобланади. Мактаб ҳудудида айни пайтда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мактаб биносининг таъмирталаблиги кундек равшан, инкор этиб бўлмас бир ҳақиқатдир. Мактаб директори Элмурод Миралиевнинг айтишига қараганда, бугунги кунда қайта қурилаётган спорт зал ва меҳнат хонаси асосий бинога қўшимча равишда кейинчалик барпо этилган бўлиб, бу биноларнинг пойдевор қисми ўрнатилган меъёрларга жавоб бермайди – девор остига бетон тўшама ётқизилмаган.

Шулардан келиб чиқиб, маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истаги, илтимосига биноан, айни вақтда мазкур ҳудудда мактабнинг янги биноси корейсча қурилиш услубида қурила бошланди. Бу эзгу ишга бош қўшаман, деган мард ҳомийлар топилди. Қурилиш соҳасидаги энг сўнгги, илғор ютуқлар асосида барпо этилаётган мазкур мактаб биносининг қурилиш ишлари жорий йилнинг декабрь ойида тўла якунланади. Лойиҳа қиймати 6,5 миллиард сўм, сиғими 540 ўрин.

Бироқ, алоҳида эътиборда тутиш керакки, мактабнинг ҳозирда фойдаланишда бўлган асосий биноси янги ўқув йилига шай ҳолатда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сентябрь ойида мактабга жами 592 нафар ўқувчи (рақам ўзгариши мумкин) келиши кутилмоқда.

Ўрганиш натижасида маълум бўлдики, қурилиш ишларининг боришида талон-торожликка йўл қўйилмаган. Қурилиш техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинган ҳолда, режа асосида олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу ишларнинг бошланганидан маҳаллий аҳоли фақат ва фақат мамнун.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати фуқароларни ахборот тарқатишда амалдаги қонунчиликка итоат этиш, асоссиз, жамоатчиликни чалғитувчи хатти-ҳаракатлардан тийилишга чақиради.

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ 4 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

**Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида янги ўқув йили 2019 йилнинг 4 сентябридан бошланади. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги хабар қилмоқда.**

❑ Эшитмадим, деманглар!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги "2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Мустақиллик байрами муносабати билан 31 августдан 3 сентябргача дам олиш кунлари деб белгиланган.

Шу муносабат билан, умумтаълим мактабларида янги 2019-2020 ўқув йили 4 сентябрдан бошланади.

## ОДАМЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ,

### дардига малҳам бўлишдан улуғ саодат йўқ

Тартиб-интизом, тезкор ва аниқликни ошириш мақсадида замонавий штаб техник воситалар билан тўлиқ таъминланди.

Сектор ҳудуди аҳолисининг аксарияти ўз муаммосини штабга кўтариб келишга уялади. Аммо, ким қайси муаммо билан келар экан, деб кутиб ўтиришга фурсат йўқ. Одамлар дардини уйма-уй юриб, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш орқали эшитиш ва уларни қисқа вақтда ҳал қилишга тўғри келаяпти. Ана шундай юзма-юз мулоқотларда ўтган давр мобайнида 219 та муаммо аниқланди. Улар, асосан, ишга жойлашиш, газ ва электр таъминоти, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, саломатликни тиклаш, уй-жой таъмири, моддий кўмакка муҳтожлик билан боғлиқ бўлиб чиқди. Муаммоларнинг 192 таси ҳал этилди. Бироқ, 27 таси қўшимча вақт ва маблағ талаб қилиши маълум бўлди. Шу масала юзасидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"га қолган муаммолар ҳам киритилди. Айни вақтда улар ўз ечимини топиш арафасида.



Давлатимиз раҳбарининг халққа том маънода яқинлашишининг ҳикматини шундай лаҳзаларда англаб етаркансан, киши. Масалан, "Обжувоз" маҳалласида истиқомат қилувчи 5 та оила уй-жойга муҳтож эканини билдирган эди. Бир қарашда, муаммонинг ечими йўқдек кўринади. Лекин, дилдан айтилган гапларни ҳис қилганингда, муҳтожлик машаққатларини тинглаганингда, кўзлардаги умид учқунларини кўрганингда ўз-ўзидан изланиш, бор имкониятни ишга солишга ғайратинг ошиб кетар экан.

Обжувозлик беш оилага уй-жой олишлари учун узоқ муддатга имтиёзли, қулай шартлардаги ипотека кредитларининг бошланғич бадаллари маблағи ҳам осонгина топилди. Янги уй орзуларга қанот, ишончга пойдевор бўлса, ажабмас.

Орамизда яна шундай одамлар борки, "Қани энди, маблағим бўлса-ю, тайинли бир ишни бошидан тутиб, дастурхонимни тўкин қилсам", деб юраверади. Шундай кайфиятда юрган 18 та кам таъминланган оилага кам фоизли кредит, айримларига эса, фаол тадбиркорларимиздан ҳомий бириктирилди. Бугун уларнинг турмуши яхши, муҳими, эртанги кунга ишончи баланд.

Иккинчи секторда 314 нафар фуқаронинг ногиронлиги бор. Уларга зарур бўлган протез-ортопедия анжомлари, аравачалар ҳам босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Шунингдек, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган шахслар яшаётган оилаларга ташаббускор ҳомийларни жалб қилган ҳолда бепул қорамол ва бошқа турдаги чорва моллари ҳамда 4 та хонадонга 50 бошдан парранда тарқатилди. Шу билан бирга, эҳтиёжманд оилаларнинг 52 тасига тижорат банклари томонидан 936 млн. сўм кредит ажратилди.

Ҳududдаги "Истиқбол" ва "Сурхи" маҳаллаларини сув билан таъминлаш елкада тоғни кўтариб турищдек машаққатли бўлгани рост. Бир нечта идоралардан ёрдам сўраш, маслаҳатлашувлар билан охир-оқибат ўша икки кўчага янги сув қудуғи қазилиб, жами 6 км. узунликда ичимлик суви қувурлари тортилди. "Боғбон" маҳалласида 1 минг 357 метр узунликда ичимлик суви қувурлари тортилиб, айрим хонадонлардаги ичимлик суви билан боғлиқ муаммо тўлиқ бартараф этилди. Шу маҳалланинг "Шалола" кўчасига асфальт ҳам ётқизилди.

Туманда тадбиркор қанча кўпайса, иш билан банд бўлган одамлар сони шунчалик ортади. Оилаларга барака, фаровонлик киради. Давлат иқтисодининг қуввати ортишида ҳам тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта, албатта. Шу боис, ҳудудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида барча куч ва воситалар сафарбар этилаётир. Солиқ, энергия ресурслари тўловидаги имтиёзлар бўладими, маҳсулотни сотишдаги эркинликми, хуллас, ҳамма шароит муҳайё қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, туманда тадбиркорлар сонини кескин оширишга бу эътиборларнинг ўзи етарли эмас экан.

Паркентликларга хос хусусият, айниқса, иккинчи сектор аҳолисининг табиатидан келиб чиқиб, ҳудудда томорқалардан самарали фойдаланиш ва тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш истагини билдирганларга маслаҳат, йўл-йўриқ, яқиндан кўмак кўрсатиш учун 100 кишидан иборат 10 та ишчи гуруҳ ташкил этилди. Айни пайтда жами 88 гектар ерга помидор, пиёз, бодринг, сабзи, картошка каби сабзавотлар экилди. Бундан ташқари, 3 минг 946 та хонадонда чорва, паррандa боқишга шароитлар мавжуд бўлиб, уларда 3 минг 917 бош йирик шохли, 6 минг 634 бош қўй ва эчки, 11 мингга яқин парранда боқилаётгани аҳолининг турмуш даражаси яхшиланаётганидан дарак беради.

Шу билан бирга, сектор ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларни "Ҳар бир оила – тадбиркор" концепцияси асосида тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган режа графигига асосан, шу кунга қадар 86 нафар фуқарога банк кредитлари берилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 282 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди ва 200 га яқин янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳал этиладиган бўлди.

Сектор ҳудудида жорий йил учун 3 млн. 500 минг долларлик инвестиция жалб этиш белгиланган эди. Ўтган олти ой мобайнида 1 млн. 500 минг долларга яқин инвестиция ўзлаштирилди. Сектор ҳудудида экспорт режаси 3 млн. 11 минг доллар бўлиб, биринчи август ҳолатига кўра, экспортёрлар ҳисобига 1 млн. 624,6 минг доллар маблағ келиб тушди.

Яширишга ҳожат йўқ, сектор ҳудудининг айрим кўчалари мультфильмдаги "порлоқ йўл совхози"ни эслатиб юборарди. Кеч кириши билан йўлни кесиб ўтаётган одамлар кўпаяди. Турган гапки, бу айрим турдаги жиноятларнинг содир бўлишига шарт-шароит яратиши кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмасди. Қонунчилигимизда эса жиноят содир этилишига қулай шароит яратиб берганларни ҳам жиноятга шерик, деб ҳисобланишини инобатга олсак, зимистон кўчаларни кўра била туриб, ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини теранроқ тушуниб оламиз. Бундан ташқари, айрим кўчаларимизда пиёдалар йўлакчасининг йўқлигига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ушбу масала кимларгадир бир қарашда унчалик муҳим эмасдек кўринар. Бироқ, кўчалар четида пиёдалар йўлакчасининг йўқлиги туфайли одамлар бехосдан автомобиль йўлига чиқиб кетиши ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликлар ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу икки масала жиноятчиликка қарши курашишга дахлдор экан, демак уни кечиктириб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Бажараяпмиз, амалга ошираяпмиз, деб зимистон кўчаларга бепарво юраверилиши ортидан кимдир бехосдан қотилга, яна кимдир қурбонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, ҳудуддаги кўчаларда Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 1,2 км. узунликда пиёдалар йўлаклари қурилди. Ўрганишлардан келиб чиқиб, умумий 3,2 км. узунликдаги баъзи кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Натижада, тегишли ҳудудлардаги 6 минг 300 нафардан ортиқ аҳолининг хотиржамлиги таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадидаги профилактика тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида сектор ҳудудида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 тага, яъни 65 фоиз камайишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида сектор ҳудудида одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 20 га яқин сайёр қабул ўтказилганда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Аҳоли билан очиқ мулоқотларга тумандаги қатор ташкилотлар мутасаддилари, маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари имкон қадар кўпроқ жалб этилди.

Учрашувларда ҳудудда профилактик ишларнинг савияси, жиноятчиликни жиловлаш борасида жамоат ташкилотларининг фаоллиги ҳам таҳлил қилинди. Содир этилган жиноятларнинг туб сабаблари ўрганилиб, қизғин муҳокамаларга, савол-жавобларга кенг ўрин берилди. Аҳоли билан ҳар қандай масалада ўтказилган учрашувларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка муросасизлик кайфиятини шакллантириш зарурати ҳақида доимий сўз очилиб турди.

Аҳолини ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган муаммоларга ечим топиш, ҳар бир оиланинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида одамларимизнинг ўзидан ҳам кўп яхши таклифлар чиқаяпти. Қувонарлиси, бунёдкорлик, ободлик ишларига одамларда ҳавас уйғониб, хайрихоҳлик кайфияти кучаймоқда.

**Дилшод ИСМОИЛОВ,**
**Паркент тумани прокурори**

Бошланиши 1-бетда

Эълон

## ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**2019 йил 3 август куни "Тошкент ҳақиқати" газетасининг № 60-61 сонли нашрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида"ги 633-сонли қарори эълон қилинган.**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарорининг 2-иловаси 102-бандидаги "олти ойдан" сўзлари "икки ойдан" сўзлари билан алмаштирилсин, яъни табиий газ ҳажмлари учун тўлов аванс билан тўланган тақдирда, маиший истеъмолчилар (аҳоли) тўлов тўланган кундан бошлаб кейинги 6 ойдан эмас 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тариф ўзгарганда қўшимча тўловлар тўлашдан озод қилинади.

# ТУМАНГА... ГАЗЕТА КЕРАК ЭКАН

Қўшқаватли бинонинг бир қисмида замонавий ўқув маркази ва каттагина китоб дўкони жойлаштирилгани бу ерни чинакам зиё ва маърифат масканига айлантирибди.

Куни кеча туман фаоллари, ижодкорлар, шунингдек, Ўзбекистон ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирокида янги бинонинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда туман матбуотининг ўрни ва қадри ҳақида, китобхонликнинг аҳамияти тўғрисида анча илиқ ва яхши гаплар айтилди. Айниқса, туман ҳокими Ўсканбой Атемовнинг "Юқоричирчиқ ҳаёти" газетаси саҳифаларида ёритилаётган катта-кичик хабар ва лавҳалар, бадиий чиқишлар ҳақида тўлқинланиб фикр юритиши, ҳатто, нашрни янада ўқишли қилиш учун билдирган таклифларидан кўриндики, бу киши муассис сифатида ўз тумани газетасини пешонасидаги шиоридан тортиб, энг сўнгги саҳифасидаги "чиқиш маълумотлари"гача ўқиб боракан...

Тадбир муносабати билан Журналистлар уюшмаси томонидан туман ҳокимига топширилган ташаккурномада тахминан шундай сатрлар бор: "Республикамизда кўпгина туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ҳудудий нашрлари молиявий инқироз ёқасига келиб қолганига томошабин бўлиб, газетанинг аҳволини ўнглаш ўрнига, ёпиш ҳаракатига тушиб қолган бир пайтда муассис сифатида ўз газетангизга мана шундай эътибор кўрсатганингиз учун минг раҳмат сизга, ҳоким бува!"

"Туман газетасини ҳар бир идора, ҳар бир хонадонга кириб боришига ҳаракат қилаяпмиз, чунки, бу газета бошдан-оёқ туман ҳаётидан, унинг дарду ташвишларидан ёзади, одамларимиз туман ҳаётининг "томир уриши"ни сезиб турса, уларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси уйғонади, бу эса барча бошлаган ишларимизга кўлам ва изчиллик бағишлайди", деди туман ҳокими бу эътирофга жавобан.

Бу билан, назаримизда, Ўсканбой оға ўз ҳокимлик фаолиятида эришаётган ютуқларининг "сири"ни очиб қўйгандек бўлди, гўё...

Юқоричирчиқ бошқа соҳаларда ҳам нима учун илғор эканини тушунгандирсиз?

Бошланиши 1-бетда




**Хабарни "Тошкент ҳақиқати" мухбири ижарахонада ўтириб ёзди**

# ЛАҲЗАЛАРДАН ЛАВҲАЛАР

## ШОИР



Шеър ёзмаётганига анча бўлганди. Оқшом чўкиши билан хаёлларига турли фикрлар қуйилиб кела бошлади. Ёстиққа кўксини босганча узоқ ўйлаб, хаёлан янги шеърини бунёд этди. Қоғозга қораламоқ учун ўрнидан туриб чироқни ёқдию, барини унутиб қўйди. Доимгидек қоғоз оқлигича қолди...

## БЕКОРЧИЛИК



Эшикка кун бўйи термулиб ўтирадиган кекса кампирнинг қўли тинмайди. Урчуқ олиб, ип йигиради. Бир тўп момиқдан оқшомга қадар икки-уч калава ип тайёрлайди. Оқшомда уйига кирганида эртадан кечгача бекорчи ўтирган кампирдан келинининг энсаси қотиб, бозорда калава сотиб топган пулларини санашга тушади...

## ҚАЛДИРҒОЧ



Уйни жуда қимматга баҳолашди. Сотувчи ҳам хурсанд. Эрта-индин уйни бўшатадиган бўлишди. Уйнинг янги эгалари келиб, қалдирғоч инининг бузилиб кетганини кўргач, уни олиш фикридан қайтишди...

## КУЛОЛ



Яна янги қорилган лойни дастгоҳ устига қўйиб, узоқ хаёллар оғушига чўмди. Онасининг кўзи ожиз, аёли ҳомиладор. Ҳали икки ёшга тўлмаган боласи ногирон. Буларни барчаси бир-бир унинг хаёлидан ўтар экан, дастгоҳ устидаги лой қотиб қолганини билмай қолди...

## ЧЎПОН



Адирга келиб, қўра ичидаги қўйларни бир-бир санаб чиқди, битта қўй кам. Юраги сиқила бошлади. Хўжайин бу ойлик маошини ҳам ушлаб қоладиган бўлди. Аниқ билади – қўй шеригининг галида йўқолган. Лекин айтолмайди. Чунки, у хўжайиннинг укаси...

## АЙЁР ИТ



Қари ит эшик тагида офтоблаб ётарди. Девор ҳатлаб тушган ўғрига бир назар ташлади-ю, индамай мудради. Ўғри асталик билан уй томон яқинлашар экан, ит кўзларини очмай ётаверди. Ўғри уй ичига кирганидан кейингина итнинг ваҳимали овози бутун маҳаллага эшитилди. Одамлар бир зумда ҳовлига тўпланишди. Уй эгаси ўғрини хонада қамалиб қолганини билиб, уни тутиб олди.

**Дониёр ҚУРБОНХЎЖАЕВ**

Amaliyotchi kundaligidan

# FARZAND AZIZ, ONA MŌ`TABAR

**Har bir inson qo`liga qalam olib, nimadir qoralashiga biron hodisa turtki bo`ladi. U xoh qalami o`tkir yozuvchi bo`lsin, xoh havaskor – ta'sirlanmasdan hech narsa yozolmaydi. Albatta, men ham yaxshilikni eshitganimda qanday quvonsam, yomonlikdan ham shuncha o`ksinaman. Ayniqsa, bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarda "Ona o`z bolasining qotiliga aylandi" kabi xabarlarga ko`zimiz tushadiyu, hayratdan yoqamizni tishlab qolamiz.**



Esimni tanibmanki, ona timsolida mehr quyoshini tasavvur etaman. Ammo, oramizda ona degan sharafli nomga nomunosiblar ham bor.

– Ish faoliyatim jarayonida ko`plab ota-onalar, ayniqsa, qilgan aybi uchun sharmanda bo`lishni istamagan qizlar tug`uruqxonaning o`zida farzandidan voz kechganiga guvoh bo`laman, – deydi Yakkasaroy tumani xalq ta'limi bo`limi bolalarning ijtimoiy himoyasi bo`yicha bosh mutaxassisi Dilfuza Samatova. – Ularning aksariyati hali turmush qurmagan balog`at yoshidagi qizlar ekanligi achinarli hol. Davlatimiz bolalarni moddiy tomondan ta'minlashi mumkin, biroq oilani va ona mehrini hech kim berolmaydi-ku.

Kimlar tirnoqqa zor, boshqalarga esa farzand uvol. Ildizini surishtirsak, biri hayot erkiga xalaqit bergani sababli, boshqasi "yoshlik xatosi" tufayli qotillikka qo`l urgan. Nima bo`lganda ham, ona o`z farzandini o`ldirishini aqlga sig`dirib bo`lmaydi. Bu hech qaysi taomilga to`g`ri kelmaydi. Nafaqat umr daryolari olis manzillarga etgan kishilar, balki hayot jilg`alariga endigina quyilayotgan yosh yigit-qizlar ham bu johillikni hazm qilolmaydi, jumladan, men ham!

**Maftunaxon SUNNATILLAEVA,**
**O`zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikasiyalar universiteti talabasi**

Қатра

# ҚАТЛАМА

Ўтган ҳафта Чинозга боргандим. Уйга пешинда кириб келдим.

– Ая, қатлама қилиб беринг, пиёз билан қўшиб егим келаяпти.

– Ҳозир-да.

Узоғи ярим соатдан сўнг аям дастурхонга чақирдилар. Лагандаги қатламаларни кўриб кўзим чиқиб кетди.

– Ая, мен буни айтмагандим. Ҳалиги кўпчиган хамирдан қилардизку, ўша. Шуниям...



– А болам, у чўзма-ку. Менам ҳайрон бўлдим, қатламани пиёз билан ермикансан, деб. Ҳозир қилиб бераман.

– Йўқ, етади. Иштаҳам бўғилди. Ўзинглар енглар буни.

– Бироз кутгин, ҳозир...

Аям кечки сменада ишлаб, менинг келишимни кутиб ухламай ўтирганди. Чарчаган ҳолида қатлама қилди. Аям хафа бўлди... Йўқ, менинг жирракилигимдан эмас, балки... менинг истаган нарсамни қилиб бера олмагани учун.

Онам уйқусиз кўзларини ишқалаб хамир қоришга тушиб кетди. Хамир қоряпти-ю, менинг ичим эзилаверди.

Кўнглимизга қарайдиганларга ўз хоҳишимизни билдиришдан аввал истагимизни аниқлаштириб олишимиз керак экан... Ўзим шунақаман, болалигимдан бери қатлама билан чўзмани, манти билан ҳонимни фарқига бормайман.

Сиз ундай бўлманг.

Бори шу...

**Мирзоҳид МУЗАФФАР**

Ҳажвиётимиз хазинасидан

**Анвар ОБИДЖОН**

# Тушунтириш хати

Учаскавўй мелисамизга ёзиб маълум қиламанки, менким – оддий совет бангиси, қўш гумбазли ҳаммомнинг илғор ўт ёқувчиси, адолатпарвар дейилгучи мамлакатнинг адолатга ташна гражданни, адабий нағмада айтганда, фуқаросидурман.

Ўртоқ капитон! Сизга устимдан тағин шикоят тушганини эшитиб, ҳаддан ташқари хижолат бўлдим. Хотиним ўзи шунақа, мактабда ўқиб юрганда деворий газетага редактур бўлган, жўрнолистлик касали ҳануз қўзиб туради. Хуружи тутганда, энг яқинидаги одамга, яъни шундоқ қўшни болишда ётувчи каминага ёпишади.

Ўтган куниям шунақа бўлди. Мен аҳмоқ ишдан ютақиб келиб, битта чой буюрибман. Чойнакни дўқ этказиб олдимга қўйиб кетди. Бир қайтарма қилай деб пиёлага қўйсам, картишка қайнатилган сувнинг ўзгинаси. Жаҳлим қўзиб: "Ў, энасини кўрмаган, шуям чойми?" – деб, ва ҳоказо, яна ҳоказо гапларни айтиб, андак тергаб ўтдим.

Хотин киши дегани асаларининг яшиғига ўхшайди, сал тегсанг, балога қоласан. Шу зардам баҳона бўлди-ю, бир вақт қарасам, мен палон гектардан палон центнердан макка олган бригадирман, палон жойга депутотман, сен ким бўпсанки, менга олифтачилик қиласан, деб тепамдан учиб юрибди. Аризасида менга сиёсийроқ айб юклаганига келсак, бу гапларнинг чиқишига ўзи айбдор. Қўлини биқинига чойнаксоп қилиб, масалангни женсоветга қўяман, деди. Шунда, мен баттар тутақиб, женсовет, селсовет ва ҳоказо, яна ҳоказо советларни бўралаб ташладим. Аммо, буни манмансираб кетиб, қасддан айтганим йўқ. Зеро, мен паҳлавон ҳукуматимизда қанча саллот-у, қанча замбарак борлигини яхши биламан.

Шу десангиз, ўртоқ капитон, хотиним: "Ҳали шунақами?" дедию, ташқарига қараб юрди. Ҳовлини кесиб ўтаётиб, ҳовузча бўйида таҳорат олаётган отамни ваҳшийларча туртиб юборди. Чол у тарафга учди, обдаста бу тарафга. Отамнинг ҳовузга ағдарилиши бир нав, чунки у пишиқ сузувчи, урушда Днепрни кечиб ўтган. Лекин, тилсиз-жағсиз яп-янги сопол обдаста бекорга пачақланганига кўп ачиндим.

Чолни қуритиш учун паққос кийимини ечиб, айвондаги сўрига ётқиздим. Устига эндигина чойшаб тортганимда, райижроқўмда шопирлик қиладиган укасини эргаштириб, хотиним келди. Қайноғам кўзини фолчининг пилдироғидек айлантириб, менга тиралди. Қирқ беш йил яшаб, умримда бунақа сўкиш эшитмагандим, бир зумда ачамни божамга аралаштирворди.

Ҳов, гўдак, дедим унга, поччангни ҳурмат қилмасанг, сочимдаги оқни ҳурмат қил, дедим. Шунда у: "Ким гўдак?" – деб бўйнини чўзди. Хато гапирибман, кечиргин, ука, дедим унга, кўриб турибман, бўғоз хотин обберишса, бола кўрадиган бўпқолибсан, дедим. Сўзим тугаб-тугамай, гарданимга гурсиллатди. Шунда: "Ҳе, ўша опангни медалига..." деб, ва ҳоказо, яна ҳоказо гапларни ишлатиб, биқинига солувдим, опаси орқамдан, укаси олдимдан тирмашиб, мени новвосағдариш қилишди.

Итларнинг яйловдаги танишувига ўхшаган судра-судра бошланди.

Сўрида ётган отам менга ачиниб кетдими, чойшабнинг тагидан чиқиб келиб, бизни ажратишга тушди. Чолнинг аҳволини кўриб, хотиним бетини тўсганича даҳлизга қочди. Кейин қайноғам "Бу уйдагилар ҳаммаси жинни", деб кўчага отилди.



Ўртоқ капитон! Хотиним нуқул сиёсатни рўкач қилиб, райижроқўм ходими, Афғон уруши қатнашчиси бўлган укам аёвсиз дўппосланди, деб ёзибди. Бу қип-қизил туҳмат. Биринчидан, ҳақорат қилишни қайноғам ўзи бошлади. Ҳукумат вакили эканини ҳисобга олиб, то шапалоқ тортгунча индамай турдим. Ваҳоланки, овозини вақтида ўчириш учун бўйнига тайёр чандилган галстўкни озгина тортиб қўйишим кифоя эди. Афғонда бўлганига келсак, шу болага ишониб пўрма беришганига ҳайронман. Бир куни ундан "Урушда душманни дўстдан қандай ажратардинг", деб сўрасам, "Кўзининг рангидан", деди. Шу билан битта казармада ётганларнинг юрагига балли.

Ўртоқ капитон! Хуллас, опа-уканинг иғвосига учманг. Яна шикоятдаги гапларга қайтсак, қайноғам кетганидан кейин алам устида даҳлизга кириб бордим. Сенми ҳали мени укангга калтаклатадиган, деб, шартта хотинимнинг сочидан чангаллаб, ва ҳоказо, яна ҳоказо ҳаракатлар қилиб, уни одамгарчиликка чақирдим. Афсуски, тарбия кўрмаган бу аёл оилавий тартиб-интизомга тупуриб, отасиникига кетиб қолди. Пешонам шўрлигидан хўрлигим келиб, кечаси билан чилим тортиб чиқдим. Натижада иккита тўшак, учта кўрпа ва ҳоказо, яна ҳоказо матоҳларга чўғ тушиб, кичик ёнғин чиқди.

Ўртоқ капитон! Эрта-индин хотиним қайтиб келгудек бўлса, шу куйган латталарни пеш қилиб, янги бир шикоят ёзиши турган гап. Сиз у чаласаводга яхшилаб уқтириб қўйинг – ҳозир демократия замони! Демократия дейилганда, америкалик кимни сўксанг сўкавер деб, франциялик кимни ўпсанг ўпавер деб тушунади. Мен учун бу – қаерда чексанг чекавер, дегани. Ҳуқуқим поймол этилмасин!

Яна бир гапим бор, ўртоқ капитон. Бундан кейин погонни хор қилиб, эр-хотиннинг ўртасига тушиб юрманг, каттароқ ишлар билан шуғулланинг. Масалан, мен бўғзи узилган обдастани чорсига тугиб, район суғурта идорасига борсам, таҳорат воситасининг синиши табиий офатга кирмайди, деб ҳақини тўлашмади. Илтимос қиламан, шу ишни қаттиқ текшириб, тегишли пулимни ундириб берсангиз. Агар иш ўнгидан келса, ўзларини ҳаммомда шаҳонасифат буғлаб, кейин иккаламиздан ортмайдиган кобили шўрва қайнатиб, ва ҳоказо, яна ҳоказоларни истеъмол қилиб, бир яйраган бўлардик.

Бор гапим шу. Илойим, саломат бўлайлик.

**1989 йил**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зуҳриддин РАҲМОНОВ

Буюртма Г-844. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 480 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.40.